

ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИНИНГ ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШДАГИ АҲАМИЯТИ

ХИДИРОВ ФУРҚАТ ШУКУРУЛЛАЕВИЧ

Ўзбекистон Республикаси ИИВ

Малака ошириш институти

Махсус касбий фанлар кафедраси

доценти

Аннотация: Ушбу мақолада ҳуқуқ-тартибот маскани, унинг тузилиши ва мақсади, масканнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги вазифалари ва функциялари, масканнинг соҳавий хизматлар ва бошқа давлат органлари билан ҳамкорлиги, маскан фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича фикр ва мулоҳазалар илгари сурилган.

Калит сўзлар: Ҳуқуқ-тартибот маскани, хизматни ташиқил этишида масъул ходимлар, шунингдек унда иштирок этувчи давлат ва нодавлат ташиқилотлари, масканга бириктирилган субъектлар.

Аннотация: В данной статье представлены мнения и комментарии об **пункте правопорядка**, его структуре и цели, задачах и функциях **пункте** в осуществлении профилактики правонарушений, взаимодействии центра с негосударственный и другими государственными органами, основных направлениях деятельности центра.

Ключевые слова: **Пункте правопорядка**, сотрудники ответственные за организацию службы, а также участвующие в ней государственные и негосударственные организации, субъекты закрепленные за пунктом.

Annotation: This article presents opinions and comments on the point of law and order, its structure and purpose, tasks and functions of the point in the implementation

of crime prevention, the interaction of the center with non-governmental and other state bodies, the main activities of the center.

Key words: *Point of law and order, employees responsible for organizing the service, as well as state and non-state organizations participating in it, subjects assigned to the point.*

Хуқуқ-тартибот маскани – шаҳар, туман ички ишлар органининг белгиланган маъмурий ҳудудларда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жиноятчиликка қарши кураш, аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш борасида ички ишлар органлари соҳавий хизматларининг ҳамда улар билан давлат ва жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминлаш мақсадида ташкил этилган, узлуксиз фаолият кўрсатувчи асосий қуйи бўғини ҳисобланади.

Хуқуқ-тартибот маскани маҳалла ва қишлоқларда жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятини бевосита амалга оширадиган, шунингдек, фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа ҳуқуқ-тартибот органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашнинг ташкил этадиган ички ишлар органларининг энг қуйи бўғинидаги таркибий тузилмаси ҳисобланади. Масканлар Тошкент шаҳри туманларида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларида, шунингдек, йирик туман ва шаҳарларда ташкил этилади. Масканлар биноларига қуйиладиган талаблар ва уларда фаолиятни олиб бориш тартиби Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири томонидан белгиланади.

Хуқуқ-тартибот масканининг ташкилий тузилиши

1. Хуқуқ-тартибот маскани (кейинги ўринларда-маскан) ўзи жойлашган фуқаролар йиғинидаги ички ишлар органлари таянч пункти ёхуд камида етти хонадан иборат алоҳида бинода ташкил этилади.

2. Хуқуқ-тартибот масканида қуйидаги хизмат ва ёрдамчи хоналар бўлиши талаб этилади:

а) масканга киришда унинг фойе (камида тўрт кишига мўлжалланган, диван ёки стуллар билан жиҳозланган кутиш жойи) қисми;

б) онлайн суд мажлислари ўтказиладиган хона (камида саккиз киши учун стул, видеоконференцалоқа сеансини ўтказиш учун мўлжалланган қурилмалар билан таъминланган бўлиши лозим);

с) профилактика (катта) инспектори хизмат хонаси (тезкор йиғилиш ўтказиш профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, хизмат столи, бир дона кресло ҳамда диван, ҳужжатлар ва кийим шкафлари ҳамда сейф билан жиҳозланган бўлиши лозим);

д) хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор-психолог хизмат хонаси (профилактик тадбирларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, хизмат столи, бир дона кресло ва диван, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

е) ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари ходимлари томонидан олиб келинган шахсларга нисбатан терговга қадар текширувни амалга ошириш учун мўлжалланган тезкор вакил ва суриштирувчи хонаси (терговга қадар текширувларни ўтказиш учун келган шахсларга мўлжалланган камида тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

ё) пробация инспектори ҳамда профилактика (катта) инспекторининг ёрдамчиси хизмат хонаси (белгиланган тадбирларни ўтказиш мақсадида чақиртирилган шахсларга мўлжалланган тўртта стул, иккитадан хизмат столи ва кресло, ҳужжатлар сақланадиган жавон билан жиҳозланган бўлиши лозим);

г) дам олиш хонаси (камида тўрт кишига мўлжалланган диван ва овқатланиш учун стол ҳамда стуллардан иборат бўлган, телевизор, совиткич, микротўлқинли печь билан таъминланган бўлиши лозим) ҳамда ҳожатхона.

3. Маскан замонавий компьютер тўплами, мебель жиҳозлари (телевизор, диван, стол-стул, китоб жавони, ҳужжатлар сақланадиган жавон) ва темир сейфлар билан жиҳозланган, шунингдек, телефон алоқаси ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланган ҳамда тегишли алоқа воситалари билан таъминланган бўлиши шарт.

4. Маскан хизмат кўрсатадиган ҳудуднинг чегаралари туман (шаҳар) ички ишлар органлари бошлиғи томонидан мазкур туман (шаҳар) ҳокими билан келишган ҳолда чегара ҳудуди узвий бир-бири билан боғлиқ бўлган бешта маҳалла (қишлоқ, овул)нинг ҳудуди миқёсида белгиланиб, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қарори билан тасдиқланади ҳамда уларнинг тартиб рақами мазкур қарор билан белгиланади.

5. Масканда ички ишлар органларининг соҳавий хизматлари томонидан бириктирилган ходимлар белгиланган тартибда хизмат олиб боради. Ҳудудда хизмат олиб боришга бириктирилган ходимлар белгиланган тартибда масканда юритиладиган дафтарда қайддан ўтади.

6. Масканнинг кириш жойида ушбу намунавий лойиҳага иловага мувофиқ туман (шаҳар) бўйича бир хил намунадаги баландлиги 80 см, эни 60 см ўлчамда, тўқ кўк фонга оқ рангда ёзилган пешлавҳа ўрнатилади.

7. Пешлавҳада ички ишлар органи номи, маскан рақами, хизмат кўрсатадиган маҳалла (қишлоқ, овул)лар номлари, профилактика (катта) инспекторлари ва ҳудудий ички ишлар органи навбатчилик қисми телефонларини акс эттирувчи ёзув бўлади.

8. Маскан фойесида фуқаролар учун ариза, шикоят ва таклифлар ёзиш намуналари, профилактика (катта) инспекторларининг фаолиятини тартибга солувчи қонунчилик ҳужжатлари нормаларидан кўчирмалар, давлат рамзларига, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид плакатлар ва эслатмалар жойлаштирилади.

9. Масканда профилактика инспекторининг хизмат хонаси деворига маъмурий худуднинг 130 см x 200 см ўлчамли харитаси осиб қўйилади. Ушбу харитада корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар жойлашган бинолар, шунингдек, кўчалар, мавзелар, бозорлар, интернет-кафелар, умумий овқатланиш шохобчалари, тунги кўнгилочар (дам олиш) жойлар, таълим, маданий-кўнгилочар, спорт-соғломлаштириш муассасалари, оммавий тадбирлар ўтказиладиган жойлар, турар жой бинолари рақамлари махсус белгилар билан акс эттирилади. Хаританинг пастки қисмида ташкилотлар номи кўрсатилади.

10. Маскан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланган тартибда алоқа воситалари, видеокузатув камералари учун монитор, Ички ишлар вазирлиги Хуқуқий статистика ва тезкор ҳисоб маълумотлар маркази билан бевосита алоқа қилиш имконини берадиган маълумотлар базасининг дастурий таъминоти, компьютер техникаси билан таъминланади.

Зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ Маскан қуйидаги йўналиш ва вазифаларларни амалга оширади:

а) маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашишни бевосита амалга ошириш соҳасида:

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги Қонунида назарда тутилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;

жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жинойт содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш;

жинойтларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб юрган, жинойий жазодан бўйин товлаётган, бедарак йўқолган шахсларни қидириш бўйича тезкорқидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш;

«жинойт ўчоқлари» ҳисобланган жойларда пиёда, мото- ва автопатруль йўналишларини ташкил этиш;

пробация назоратидаги шахсларнинг ўрнатилган чекловларга риоя этишини узлуксиз текшириш;

содир этилган жиноятларни «иссиқ изидан» фош этиш бўйича зарур дастлабки тадбирларни ташкил этиш, фуқароларнинг шахсларини аниқлаш чораларини кўриш;

«Фидокор ёшлар» жамоатчилик патруль гуруҳи аъзоларидан иборат патруль йўналишларини ташкил этиш;

б) фуқароларнинг хавфсизлиги ва осойишталигини таъминлаш борасида ички ишлар органлари, бошқа давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг маҳаллалар кесимида биргаликда ишлашини ташкил этиш соҳасида:

жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасини, суднинг хусусий ажримини фуқаролар иштирокида таъсирчан муҳокама қилиш, мазкур сабаб ва шартшароитларни бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш;

жиноятларнинг усуллари ва оқибатлари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини амалга ошириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш;

наркологик касалликларга (сурункали алкоголизм, гиёҳвандлик, заҳарвандликка) чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ишларини назорат қилиш;

в) аҳоли муаммоларини ҳал этиш, шунингдек, ҳуқуқбузарликдан жабрланган, ғайриижтимоий хулқ-атворга эга, ҳуқуқбузарлик содир этган шахсларни ижтимоий мослаштириш ишларини ташкил этиш соҳасида:

аҳолининг энг муҳим муаммоларини аниқлаш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалалари бўйича фуқаролар билан тўғридан-тўғри очиқ мулоқот қилиш юзасидан зарур чораларни кўриш;

фуқаролар томонидан билдирилган муаммоларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ва уларни маҳаллада яшовчи ҳар бир шахс кесимида ҳал этиш чораларини кўриш;

алоҳида кўмакка муҳтож (ногирон, оғир касал, кекса ва нуроний) фуқароларнинг яшаш манзилига борган ҳолда мобил қурилмалар орқали идентификация ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш;

муаммоли оилалар ва узок муддат мобайнида чет элда бўлиб қайтган шахсларнинг электрон рўйхатини юритиш, уларга ҳуқуқий, тиббий ва психологик ёрдам кўрсатилишини ташкил этиш;

профилактик ҳисоб, маъмурий назорат ва пробация назоратидаги шахслар билан ижтимоий мослаштириш ишларини уларнинг электрон ижтимоий-психологик портретини тузган ҳолда яқка тартибдаги ижтимоий мослаштириш дастури асосида амалга оширилишини ташкил этиш;

г) маҳалланинг (қишлоқнинг) кириш-чиқиш жойларида ва ҳудуддаги бошқа объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларидан фойдаланган ҳолда, ягона марказлашган электрон кузатиш ва мониторингни амалга ошириш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш соҳасида:

ҳудуднинг кириш-чиқиш жойларига, шунингдек, кўп қаватли уйларда замонавий видеокузатувмосламалари ўрнатилишини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

ҳудудидаги объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларини Масканга интеграция қилиниши юзасидан зарур ташкилий чораларни кўриш;

видеокузатув лавҳаларини сифатли ва узлуксиз таҳлил қилиб бориш орқали ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, аниқлаш ва фош этиш чораларини амалга ошириш.

Ҳуқуқ-тартибот маскани қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни ҳам амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқ-тартибот масканлар **фаолиятини**: профилактика катта инспектори, профилактика инспектори, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақдаш буйича ёрдамчиси (хар кунлик асосида); ҳудудда хизмат килиш учун

бириктирилган туман (шаҳар) ички ишлар органининг хотин-кизлар масалалари бўйича инспектори, пробация бўлинмаси инспектори, тезкор вакил, патруль-пост хизмати ходимлари;

худудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмаларининг вакиллари таркибида амалга оширади.

Профилактика катта инспектори Масканнинг бевосита раҳбари ҳисобланади ва унинг зиммасига маҳаллада (қишлоқда) жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кунлик ишни самарали ташкил этиш масъулияти юкланади.

Ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари: Маскан фаолиятига юклатилган вазифаларнинг лозим даражада бажарилиши учун шахсан жавобгар бўлади;

Ҳуқуқ-тартибот масканида фаолият кўрсатадиган ходимларга юклатилган вазифаларнинг бажарилишини назорат қилади, худудда патруль йўналишларини белгилайди ва патруллик хизматини ташкил этади;

худудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузилмалари вакиллари фаолиятини мувофиқлаштиради;

Ҳуқуқ-тартибот масканининг иш режаларини тасдиқлайди;

вазифаларини сидқидилдан бажариб келаётган профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчисига ички ишлар органларида хизматга белгиланган тартибда қабул қилиш учун тавсиявий тақдимнома киритади;

Ҳуқуқ-тартибот масканида самарали фаолият кўрсатадиган ходимларни рағбатлантириш тўғрисида худудий ички ишлар органи раҳбарига тўғридан-тўғри таклиф киритади;

Ҳуқуқ-тартибот маскан ваколатига кирадиган бошқа вазифаларни амалга оширади.

Профилактика катта инспектори йўқлигида унинг ваколатлари профилактика инспектори томонидан амалга оширилади.

Ҳуқуқ-тартибот масканида қуйидаги хизмат ва орган ходимлари хизмат олиб боради.

1. Кунлик хизматни бевосита ташкил этувчи масъул ходимлар.
2. Хизматни ҳамкорликда ташкил этишда қатнашувчи давлат органлари
3. Хизматни ташкил этишга кўмаклашувчи ички ишлар органлари

Кунлик хизматни бевосита ташкил этувчи масъул ходимлар-профилактика инспектори, вояга етмаганлар бўйича инспектор-психолог, профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш бўйича ёрдамчиси ва - Фидокор ёшлар жамоатчилиқ гуруҳи аъзолари.

Хизматни ҳамкорликда ташкил этишда қатнашувчи давлат органлари - ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасига кўмаклашиш учун юборилган Миллий Гвардия бўлинмаси, бошқа ваколатли давлат органларининг ходимлари ва жамоат тузулмаларининг вакиллари.

Хизматни ташкил этишга кўмаклашувчи ички ишлар органлар-Патруль-пост хизмати ходими, хотин-қизлар масалалари бўйича инспектор, тезкор вакил, пробацция инспектори.

Ҳуқуқ-тартибот масканида хизматга жалб қилинган профилактика (катта) инспекторининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишдаги вазифалари:

- Ўзбекистон Республикасининг - Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги Қонунида назарда тутилган профилактик чора-тадбирларни амалга ошириш;
- жамоат жойларида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноят содир этилишига имкон берувчи шарт-шароитларни бартараф этиш, жиноятларни аниқлаш ва фош этиш, суриштирув, тергов ва суд органларидан яшириниб

юрган, жиноий жазодан буйин товлаётган, бедарак йуколган шахсларни кидириш буйича тезкор-кидирув тадбирларини амалга оширишга кўмаклашиш;

➤ жиноят ўчоқлари ҳисобланган жойларда пиёда, мото ва автопатруль йўналишларини ташкил этиш;

➤ Фидокор ёшлар жамоатчилик патруль гуруҳи аъзоларидан иборат патруль йўналишларини ташкил этиш;

➤ жиноятнинг сабабларини ва унинг содир этилишига имкон берган шарт-шароитларни бартараф қилиш тўғрисида суриштирувчи, терговчи, прокурорнинг тақдимномасини, суднинг хусусий ажримини фуқаролар иштирокида таъсирчан муҳокама қилиш, мазкур сабаб ва шарт-шароитларни бартараф қилиш бўйича зарур чора-тадбирларни белгилаш;

➤ жиноятларнинг усуллари ва оқибатлари ҳақида тушунтириш-тарғибот ишларини амалга ошириш, ижтимоий сўровлар ўтказиш;

➤ наркологик касалликларга (сурункали алкоголизм, гиёхвандлик) чалинган шахсларни тиббий-ижтимоий реабилитация қилиш ишларини назорат қилиш;

➤ аҳолининг энг муҳим муаммоларини аниқлаш ва ижтимоий кескинликни юмшатиш масалалари бўйича фуқаролар билан тўғридан-тўғри очик мулоқот қилиш юзасидан зарур чораларни кўриш;

➤ фуқаролар томонидан билдирилган муаммоларнинг электрон рўйхатини шакллантириш ва уларни маҳаллада яшовчи ҳар бир шахс кесимида ҳал этиш чораларини кўриш;

➤ алоҳида кўмакка муҳтож (ногирон, оғир касал, кекса ва нуроний) фуқароларнинг яшаш манзилига борган ҳолда мобил қурилмалар орқали идентификация ID-карта ва хорижга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш бўйича ҳудудий миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлинмалари билан ҳамкорлик қилиш;

➤ худуднинг кириш-чиқиш жойларига, шунингдек, кўп қаватли уйларда замонавий видеокузатув мосламалари ўрнатилишини ва узлуксиз ишлашини таъминлаш;

➤ худудидаги объектларда ўрнатилган видеокузатув мосламаларини Масканга интеграция қилиниши юзасидан зарур ташкилий чораларни кўриш;

➤ Маскан қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ бошқа функцияларни амалга ошириши мумкин. Профилактика катта инспектори қайд этилган вазифаларни бажариш билан бир вақтда, Масканда хизмат олиб борувчи барча ходимлар иш таксимотини белгилайди ва умумий раҳбарликни амалга оширади.

✓ Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари ва ходимлари томонидан Масканга олиб борилган бегона ва шубҳали шахсларни белгиланган тартибда қабул қилади ҳамда улар билан профилактик суҳбат ўтказди.

✓ Масканда сутка давомида кунлик ташкил қилинган ишлар буйича ҳисобот шаклини юритади ва шаҳар (туман) ички ишлар орган раҳбарига ахборот беради ва ҳисобот шаклини туман (шаҳар) ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларига тақдим этади.

Фойдаланилган Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Т., 2019
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори, 03.01.2025 йилдаги ПҚ-1-сон 2025-йилда Республика маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратиш ва ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш тизими самарадорлигини янада ошириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички

ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-6196-сон Фармони.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 02 апрелдаги «Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида »ги ПҚ-5050-сонли Қарори.

6. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 12 июлдаги «Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» ги 151-сонли буйруғи.

7. Ўзбекистон Республикаси ИИВнинг 2017 йил 6 сентябрдаги «Ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари профилактика инспекторларининг ҳисоботини фуқаролар йиғинларида эшитиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги 193- сонли буйруғи.

8. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил майдаги Маҳалла ҳуқуқ тартибот масканлари фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги 166-сонли буйруғи.